

ЛОЙИХА-СМЕТА ВА ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН
№ 9647 сонли ШАРТНОМА.

Навоий ш.

«03» 03 2022й

“Навоий нефт базаси” МЧЖ” кейинги ўринларда ««Буюртмачи»» деб номланувчи номидан, жамият Уставига мувофиқ иш юритувчи директори **О.Р.Хасанов** бир томондан ва “GEODEZIYA XIZMATLARI” МЧЖ кейинги ўринларда “«Бажарувчи»” деб номланувчи, Устав асосида иш юритувчи директори **О.Эшнӣёзов** иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

- 1.1. “Буюртмачи” “Навоий нефт базаси” МЧЖ ва унинг тасарруфидаги Кизилтепа, Хатирчи ва Зарафшон филиалларида "2022 йилда режалаштирилган мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш ишларига лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқади.
- 1.2. Бажариладиган ишлар “Навоий нефт базаси” МЧЖ томонидан берилган нуксонлар далолатномаси, хатига ва лойиха ишлаб чиқиш топшириқномасига асосан амалга оширилади.
- 1.3. Шартнома амал қилиш муддати 31.12.2022йил.

2. Шартнома баҳоси ва туловлар қоидалари.

- 2.1. Танлов комиссиясининг ва савдо саноат **Etender.uzex.uz** порталининг №38081-сонли лот электрон баёнига асосан **34 175 400 (Ўттиз тўрт миллион бирюз етмиш беш минг тўрт юз) сўм (ККС билан)** ташкил қилади.
- 2.2. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 банк иш кунида шартнома баҳосининг 15 % миқдорида аванс туловини амалга оширади.
- 2.3. Хар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ёки сўм фактурага асосан ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб қолган қисми тўлови 100% амалга оширилади.
- 2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари имзолангандан сўнг 60 банк куни мобайнида Бажарувчига ҳақ тулашни ўз зиммасига олади.
- 2.5. Ишлар қиймати ўзил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - ишлар қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
 - ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.
- 2.6. Шартнома лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тузилган.

3. Томонлар мажбуриятлари ва коррупцияга қарши шартлар.

- 3.1. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур булган бирламчи маълумотлар ва материалларни бажарувчининг сурови асосида тақдим қилади.
- 3.2. Буюртмачи шартномада қўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада курсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Буюртмачи томонидан шартномада қўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофи:

3.3.1. ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа Томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа Томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкӣ имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур;

3.3.2. бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш лойиҳа смета ҳужжатлари экспертиза ҳулосасидан сўнг техник топширик талабларига асосан қабул қилинади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартнома тугагандан сунг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб, Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхати техник топшириқда белгиланган.

4.3. Ишлар тугагандан сунг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини курсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича ҳулоса учун муружаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5. Тарафлар жавобгарлиги

5.1 Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик шартлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Фуқаролик Кодекси мувофиқ белгиланади

6. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.

6.1. Ишлар бажарилиши даврида бажарувчи узи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар қуради.

7. Қўшимча шартлар.

7.1. Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган холда, Буюртмачи унинг мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқот йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Шартномага томонлар розилиги асосида ёзма равишда узгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан келишган холда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва ҳужалик судларида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тулов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 20 %идан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки курсатилган хизматлар Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун ишларни умумий қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома қийматининг 20 % идан ошмаслиги лозим.

7.8. Туланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари.

«БАЖАРУВЧИ»

«GEODEZIYA XIZMATLARI» МЧЖ

Навоий ш. Ғалаба шоҳ кўч. 198-5

х.р 20208000200907256001

банк: АТБ «Асакабанк» Навоий филиали

МФО: 00206 СТИР: 305688002

ХХТУТ: 711110

Тел. +998 (93) 663 57 01



Директор

О.Эшнӣёзов

«БУЮРТМАЧИ»

«Навоий нефт базаси» МЧЖ

210104, Navoiy sh. Lermontov k. 4uy

tel:(436)225-59-33, fax:(436) 225-58-13

E-mail: Navnb @doda uz . Navnb2010 @inbox uz

p/c 22604000800306107701, ИИН 200002538,

МФО 00432 - АТ САНОАТ КУРИЛИШ БАНКИ

ЯШНАБОД ФИЛИАЛИ ОКЭД 46710



Директор

О.Р.Хасанов

Several handwritten signatures in blue ink, some with horizontal lines underneath, located below the stamps.